

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБЛАРИ

Алижон Турдалиев

*КўқонДПИ Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси доценти,
Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Турон ФА академиги.*

Аннотация: *Мазкур мақолада тарих саҳнасида улўғвор ва салоҳиятли ўзбек нақшин тасвирлари ҳақида фикр юритилади. Унда бадий кулолчилик санъатининг мактаблари ҳамда бу санъатининг энг нодир ва аҳамиятли безак композицияларга оид тарихий-илмий маълумотлар берилади. Шу билан бир қаторда Мустақил Ўзбекистон шароитида бу санъатларнинг ривожини хусусида ҳам тўхталиб ўтилади.*

Ўзбекистон амалий санъатининг қадимий, шунингдек бизнинг даври- мизгача ўзининг аниқ чегараланган мактаб ҳамда анъаналарини сақлаб келаётган турларидан бири бадий кулолчилик ҳисобланиб, у қадимдан ҳар воҳанинг хунармандчилик марказлари Ўзбекистон жабҳасида вужудга келиб шаклланган.

Ҳозирги вақтда бадий безатиш услуби пластик ва технологик хусусиятлари бўйича учта асосий кулолчилик мактабларига бўлинади. Фарғона бадий кулолчилик мактаби (асосий марказлари – Риштон, Ғурумсарой); Бухоро – Самарқанд бадий кулолчилик мактаби (асосий марказлари-Самарқанд, Ургут, Ғиждувон, Уба, Шаҳрисабз); Хоразм бадий кулолчилик мактаби (асосий марказлари Мадир ва Каттабоғ қишлоқлари).

Ҳар бир мактаб ўзининг ривожланиш ва ижодий тамойиллари етакчи марказ ва усталари, бошқа мактаблардан фарқловчи хусусиятлари билан белгиланади. Улар ўз қонуниятлари доирасида фаолият кўрсатади ва асосий бадий тамойиллари умумийлигини сақлаб келади.

Фарғона бадий кулолчилик мактабининг асосий хусусиятлари унинг аҳоли этник таркиби, жойланиши ва тарихийлик тамойиллари билан бевосита боғлиқдир.

Риштон –Фарғона мактабининг анъаналарини ўзида мужассам-лаштирган энг ёрқин кулоллик марказидир. Ҳайвонот оламига оид антропоморфик мавзулар Риштон кулолчилигида “парчаси яхлит учун” тамойилига кўра тақдим этилган, унда инсон ёки ҳайвонларва паррандалар гавдасининг айрим унсурлари ёрдамида яхлитлик ғояси акс эттирилади. Масалан, “чашми булбул”, “пар пашша”, “илон изи”, “хўкиз шоҳи” каби безаклар ана шундай ишланган. Баъзан бунлай нақшли мавзулар бир-бири билан уйғунлашиб, риштонлик усталар буюмларига бетакрор тимсол бахш этади.

Ғурумсарой бадиий кулолчилик мактаби ўзининг ғаройиб ҳаворанг сополи билан машҳур бўлган Фарғона мактабининг яна бир марказида –Ғурумсаройда илгарилари минглаб усталар ишлаган. 1990 йилларнинг бошида бу ерда фақатгина бир уста –Мақсудади Туропов қолган эди.

Бу марказда Фарғона мактабининг қадимий кулоллик анъаналари кўп даражада сақланиб қолган. Бу сопол буюмларнинг ишланиш технологиясидан бадиий бадиий безатиш жараёнигача намоён бўлади. Ғурумсарой безаклари Риштон кулоллик маркази безакларидан ишланиш услубининг алохидалиги билан ажралиб туради. Ғурумсарой сопол буюмларида безакнинг маҳобатли ойдинлиги ва соддалик хосдир. Яна бир ўзига хос хусусияти бу безакларнинг узоқ ўтмишга таалуқли (архаик)лигидадир. 1997 йилдан бошлаб (М. Туропов вафотидан сўнг), Ғурумсарой кулоллик санъати анъаналарини М.Туроповнинг шогирди Ваҳобжон Буваев давом эттирмоқда.

Бухоро- Самарқанд кулоллик мактабининг ўзига зослиги технологик омил билан боғлиқдир. Идишларнинг жарангдор нафис бўлиб чиқишида қўрғошиндан сир ва сарғиш –яшил, жигарранг бўёқлар муҳим ўрин эгаллайди. Бухоро – Сасмарқанд бадиий кулолчилик марказлари услубининг ички омиллари кўпроқ “Афросиёб” сополи анъаналарига асосланади. Шу билан бирга, идишларнинг шаклига кўра бу мактаб 1990 йилларда ўтган ўн йиллик анъаналарини ривожлантирди.

Ғиждувон кулочилигининг ўзига хос хиҳатларидан бири, унда ҳайвонлар тасвирини қўлланилишидир. Кўпинча усталар лаган ўртасига товуснинг соддалаштирилган тасвири ёки унинг дум қисмини жойлаштиришади, яъни “думи бургут”, “мурги сафид”, “бойқуш”, “гули товус”, “минг оёқ” сингари тасвирлар шундай композициялардандир.

Хоразм кулолчилик марказларида ясалган бадиий буюмлар ўзига хос бадиийлиги, безакларининг ранги, ишланиш услуби билан Ўзбекистоннинг бошқа мактаблари ишлаб чиқараётган буюмлардан ажралиб туради. Хоразм кулочилигида нақшларнинг турлари унчалик кўп эмас. Улар асосан геометрик ва ўсимликсимон безакли нақшлардир. Баъзан ҳайвон ва жониворлар тасвири ҳам ишланади. Дарҳақиқат, бадиий буюмларнинг марказий қисмига геометрик арабеска гириҳ тушириш хоразм усталарининг ўзига хос услубларидан биридир.

Бугунги кунда чиннисозлик, кулолчилик буюмларида ҳам миллий нақш анъаналари муваффақиятли ривожлантирилмоқда. Мисол сифатида Тошкент чинни заводининг ҳаммага манзур ва маъқул нақшин пиёла, чойнак, лаган, гулдон ва бошқаларни эслатиб ўтиш ўринлидир.

Кўқон-Риштон кулочилиги вакили Ботирали Баротбоев имкони қадар бадиий кулолчилик соҳасидаги ўз ижодида аввало албатта анъанавий йўсинда ва шунингдек ўзининг ноанъанавий усуллари билан афсонавий, фольклор ва

ҳаётий мавзулардаги тасвир элементларини кулолчиликда қўллашга ҳаракатлар қилмоқда.

Бунга мисол тариқасида "Сув ости маликаси", "Сув ости дунёси". "Сув ости қўшиғи", "Сайроқи булбул", "Қадрли оҳанг", "Тождор шер", "Ҳаёт қўшиғи", "Анор" каби мавзулардаги композицион изланишларида албатта миллий қадриятларимиз ва халқ оғзаки ижодимизга таянган холдаги рамзийлик хусусиятларига эътибор қаратилган. (2-расм).

1995 йилда Ўзбекистон санъат музейи қошида Риштон усталарининг "Мовий афсона" мавзусидаги катта ретроспектив кўргазмаси бўлиб ўтди. Шу билан бирга Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан 1994-1996 йилларда бир қатор риштонлик кулоллар ишлаб чиқариш марказлари билан танишиб келдилар.

Камацу шаҳридаги "Кутани" кулоллик марказида бўлиб, Асакура-сан кулолчилик музейида Риштон кулолчилик мактаби намуналаридан иборат доимий экспозиция ташкил қилинди. А.Назиров анъанавий "Ташаббус -2001" танловида ғолиб бўлди. "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллади.

Бухора кулолчилигида ўсимликсимон нақшли безак тури етакчилик қилади. Ҳандасавий нақшлар эса камдан кам холларда учрайди. Ва улар ҳандасавий –абстракат мазмунли нақшларда ўзини намоён этади. Сополларни безашда ҳайвон ва жониворларнинг тасвири ҳам кам ишлатилади. Улар асосан Ғиждувон кулолчилигида қўлланилади.

Нақшларнинг ишлатилиш жараёни Бухоро-Самарқанд кулолчилик мактабининг гуруҳий хусусиятларида кузатилади. Ғиждувон Шаҳрисабз усталари асосан муйқаламда нақшлар ишлайдилар Ургут-Денов усталари чизма нақшларни қўллайдилар.

Бухоро –Самарқанд кулолчилик мактабининг Ғиждувон маркази вакиллари Алишер ва Абдулло Нарзуллаевлар кулоллар авлодининг отинчи бўғини хисобланиб, улар оталари Ибодулла Нарзуллаевдан мерос қолган кулолчилик устахонасида ижод қиладилар.


Шуниси қувонарлики, Нарзуллаевлар ўз ҳунарларни сақлашга, ривожлантиришга ва ҳунарнинг сиру-асрорларини ворисларга етказишга муваффақ бўлмоқдалар.

Ўзбекистон кулолларидан биринчи бўлиб, ЎзБАнинг академиклик унвонига сазовар бўлган тошкентлик кулол Акбар Раҳимов, кулолчилик санъатининг мутоз хусусиятларини ривожлантириш билан бирга, унга янги мавзулар ва сюжетлар, ноанъанавий нақш услубларини олиб киради.

Кирилган янгилик ва муносабатлар кулоллик санъати табиатига мос ва уйғун тарзда қабул қилинади.

Уста учун асосий ижод манбаи халқ анъанавий кулолчилик намуналаридир.

Шу билан бирга А.Раҳимов асарларида фақат халқ усталари-нинг бадиий тажрибаси, бой услублари акс этибгина қолмай, балки ўша одатий гўзаллик дунёси қимматли тарзда ташкил этилади. (1-расм).



1-расм. А. Раҳимов. Гулдон ва лаган. Бадиий кулоллик буюми. 2001 й.

Табиий лойдан турли идишлар яшаш ва уларни тегишли рангларда бўйаш кулолчилик ҳисобланади ва у Ўзбекистонда жуда қадимги замондан ривожланган. Кулолчилик санъати буюмларига лаган, товоқ, чойнак, пиёла, сопол ва чинни идишлар, шунингдек, лойдан ишланган ўйинчоқлар ҳам киради.

Кулолчилик санъатида безатишнинг турли усуллари қўлланилади. Шундай усуллардан бири “қалами” усулидир. Бу усулда безак идишларга нақшларининг расми чизилиб олинмасдан тўғридан-тўғри мўйқалам билан ишланаверади. Бу усулларда кўпроқ Риштон ва Ғиждувон усталари ишлашади. Баъзи жойларда усталар гилвата билан гул чизиб, кейин бўёқ берадиган “чизма” усулидан фойдаланадилар. Бу усул тошкентлик усталар орасида кенг тарқалган.

Ўзбек кулолчилик буюмлари безак композицияларидаги ўсимликсимон ва геометрик элементларнинг бойлиги, хилма-хиллиги бўёқлар рамзийлиги, эрукмелиги билан сифатида кўп ишлатилади.

Кулолчилик Ўзбекистон меъморчилигида кошинкорлик тарзида ҳам кенг қўлланилади. Мадраса, масжид, карвонсарой, ҳаммомларнинг пештоқларида, хона ичкарасидаги девор безакларида кулолчилик санъатининг намуналари ўз аксини топган.

Ҳозирги кунларда ҳам кулолчилик жамоат, турар жой биноларини безатишда ҳам кенг қўлланилмоқда. Республикамизда бир қатор уста кулолларни бирлаштирган кулолчилик устахоналари мавжуд, улар халқимиз талабларига ва дидига мос кулолчилик буюмларини яратмоқдалар.

Ўзбекистон кулолчилигини ривожлантиришда кулоллардан У.Жўрақулов, А.Муҳторов (Самарқанд), У. Умаров, А. Ҳазратқулов, М. Нарзуллаев (Ғиждувон),

Б.Боисов, Р.Матчонов (Хоразм), К. Тўрақулов, Ю.Зиёмухамедов, А.Раҳматов, М.Раҳимов, Р.Орифжонов, А.Нўъмонов, Т. Миралиев, А. Аминов (Тошкент), Т.Тилллахўжаев (Наманган), А. Худойназаров (Каттақўрғон), Б.Ҳалилов, (Бухоро), Ш.Қаландаров (Хўжайли) ва бошқа усталар катта ҳисса қўшганлар.

Хуллас, Ўзбекистон Мустақиллиги даврининг 1991-2001 йилларида кулоллар ижодида нафақат афсона, дoston ёки фольклор оҳанглари ва образлари, балки қадимги ва ўрта асрлар тасвирий санъати ёдгорликларида сақланиб қолган сюжетларни ҳам ўз ичига қамраб олувчи тарихий-маданий муаммоларни пластик тарзда талқин қилиш омилига айланди.



2-расм. Б.Баротбоев. "Тождор шер". Сирланган лаган. 2020 й.,
"Илҳом париси". Сирланган лаган. 2018 й. (Кўқон-Риштон кулолчилик мактаби)

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саипова М.С. Рамзшунослик. (Дарслик), "Фан ва технологиялар нашриёт матбаа уйи" 2021 йил.

2. Булатов С.С., Пўлатова М. Гўзалликдаги коинот фалсафаси. (Монография). Т.: "Иқтисод-молия". 2013 йил.

3. Зоҳидов П. «Зеб ичра зийнат». Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т.; 1985 йил.

4. Ўзбекистон санъати. (1991-2001 йиллар). Тошкент, Шарқ. 2001 й.

5. Ҳасанов Р. Тасвирий санъатдан дарс ишланмалари. 6 синф. Тошкент. "Тафаккур" нашриёти, 2015 й.